"Т А С Д И Қ Л А Й М А Н"

Косон туман Тиббиёт бирлашмаси

бошлиғи ________ Ф.Р.Турсунов

28. 09. 2022 йил №03 Косон тумани

**Косон туман Тиббиёт бирлашмасига қарашли Пуллик хизмат булимида даволанаётган имтиёзли беморларга тайёр иссиқ овқат (аутсорсинг) хизмати билан таъмирлаш мақсадида танлов асосида шартнома тузиб беморларни иссиқ овқат билан уз вақтида ташкил қилиш комиссиясининг.**

# Т А Н Л О В К О Н К У Р С Б А Ё Н И:

**Комиссия раиси КУК раиси: Ш.Эргашов**

**АЪЗОЛАРИ:**

**Бош шифокор муовини Ш.Аминов**

**Бош хисобчи И.Худойназаров**

**Бош иктисодчи Р.Абдуллаев**

**ТТБ хужалик мудири Ж.Бобоев**

**Пархиз хамшираси Д.Шукуриллаева**

## Кун тартибида куриладиган масала:

**Пуллик хизмат булимида даволанадиган беморларни тайёр иссик овкат билан таъминлаш учун 2022 йил 3 чоракларида аутсоринг фирмаси билан шартнома қилиш ва шартномани тасдиклаш туғрисида.**

**Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, Пуллик хизматни тайёр иссик овкатлар билан таъминлаш бўйича 2 та хусусий корхона қатнашаётганлигини эълан қилди. Улар куйидагича:**

**Танлов конкурс буйича 2022 йил 16 сентябр кунида лот № 22110012151268 сонли протокол эълон куйилгандан кейин 2 та ташкилот узини таклифлари билан қатнашди ва энг юкори балл «Зайнаб-Султон» МЧЖ олди ва 2 кун мухокамада**

қуйилди хамда бошқа эътирозлар бўлмагандан кейин "Зайнаб-Султон " МЧЖ билан шартнома тузилди.

## ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОРҚИЛАДИ:

1. ««Зайнаб-Султон” МЧЖ ғолиб деб топилсин.
2. «Зайнаб-Султон” МЧЖкохонаси томонидан тавсия этилган тайёр иссик овкатларга шартнома тузиб олиб келишини хужалик мудири Ж.Бобоевга топширилсин.
3. Ушбу баённома қарорнии бажарилишини назорат қилиш хисобчиси Т.Норқуловга юклатилсин.

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси КУК раиси: | Ш.Эргашов |
| **АЪЗОЛАРИ:** | |
| Бош шифокор муовини | Ш.Аминов |
| Бош ҳисобчи | И.Худойназаров |
| Бош иқтисодчи | Р.Абдуллаев |
| ТТБ хужалик мудири | Ж.Бобоев |
| Пархиз хамшираси | Д.Шукуриллаева |

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
тизимидаги давлат тиббиёт
муассасаларида аутсорсинг
хизматлари кўрсатиш тартиби
тўғрисида низомга 2-илова

## Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича

## ШАРТНОМА № 697-4-60-ТВ/2022

**Косон туман** **06 . Октябр. 2022-йил**

**Косон туман Тиббиёт бирлашмаси** номидан Низом асосида фаолият юритувчи **Ф.Р.Турсунов** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва **"Зайнаб-Султон " МЧЖ** номидан Устав асосида фаолият юритувчи раҳбар **З.С.Истамов** (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

1.25. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.26. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни Буюртмачини иссиқ овқат пишириш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.27. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022-йил **" 06 " октябр, 2022-йил "31" декабргача**;

1.28. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгнлангаи тартибда расмийлащтирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланадн.

### VIII. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.13. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.43. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.44. Ижарага олинган бино ва ннш оотларнинг ички ва ташқи кисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.45. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.46. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.47. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.48. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишиии талаб қилиш;

2.1.49. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.14. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.97. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.98. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.99. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.100. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.101. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига кадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил эгишни таъминлаши;

2.2.102. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-баидида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.103. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.104. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.105. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.106. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.107. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.108. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.109. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.110. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.111. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.112. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.25. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.26. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.27. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.28. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.10. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.19. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.20. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.21. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

## 117. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **5 429 862.00 ( Беш миллион тўрт юз йигирма тўққиз минг саккиз юз олтмиш икки )** сўмни **00** тийинни ташкил этади.

3.26. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.27. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.28. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.29. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

## XL. Томонларнинг мажбуриятлари

4.31. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.32. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.33. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учуи Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив- ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.34. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.35. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## XLI. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.13.Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.14.Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

## XLII. Форс-мажор ҳолатлар

6.1.Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай

ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

## XLIII. Якунловчи қоидалар

7.19. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.20. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.21. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юриднк кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## XLIV. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.7. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилннгунига қадар амал қилади.

## XLV. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари.

| «АУТСОРСЕР» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| **“Зайнаб-Султон ” МЧЖ** | **Косон туман Тиббиёт бирлашмаси** |
| (Бажарувчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Манзил: Косон туман Машал махалласи | Манзил: Косон тумани Куйи Оброн к-к |
| Тел./факс +99890 638-65-85 | Тел./факс 75 -592-46-03 |
| х/р: **20208000700847049001** | ш/ҳ***401322860102297073101054001** |
| Банк номи: Ипатека банк АТИБ Кашкадарё филиали | бюджетдан маблағ олувчи СТИРи **201615066** |
| МФО: 00190 СТИР: **305281257** | ОКОНХ 91511 МФО 00014 |
| ОКОНХ: | ЎзРес Молия вазирлиги Ғазначилиги 23402000300100001010 |
| | Банк номи Марказий банкнингТошкент шахар бош бошкармаси ХККМ МФО 00014 |
| | Ғазначилик СТИРи 201122919 |
| Раҳбар: _________ **З.С.Истамов** | Раҳбар: _________ **Ф.Р.Турсунов** |
| М.Ў. (имзо) | М.Ў. (имзо) |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

RM2806723462

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Pullik xizmat bo‘limiga autsorsing 5429862**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: KOSON TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 02.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Koson tuman yuridik markazi yuriskonsulti:**

**S.A.XIDIROV**

673025

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ZAYNAB SULTON" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ZAYNAB SULTON" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

06.02.2018 573714 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305281257

| | | |
|---|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | Mas'uliyati cheklangan jamiyat | |
| Joylashgan joyi: | Qashqadaryo viloyati, Koson tumani, Koson, Mash'al mahalla, | |
| Guvohnoma: | Qashqadaryo viloyati, Koson tumani, YAGONA DARCHA MARKAZI | tomonidan berilgan |

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

-sonli shartnomaga
ILOVA

## Korrupsiyaga qarshi qoidalarining
## ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo‘yicha o‘z majburiyatlarini bajarayotganda O‘zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya’ni (davlat organi yoki tashkilotning nomi) xodimi o‘z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko‘zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va’da berish;

tovlamachilik qilish;

pora sifatida pul to‘lash;

bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo‘l qo‘ymaslik bo‘yicha choralar ko‘rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo‘yicha bir Tomon (davlat organi yoki takshlotining nomi) xodimining axloqqa to‘g‘ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O‘zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo‘lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

korrupsiya haqida xabar berishga mo‘ljallangan ishonch telefoni;

Telegram-kanali (“@xxxxxxxxxx”);

(davlat organi yoki takshlotining nomi) rasmiy veb-saytida joylashtirilgan shakl yoki elektron pochta.

**TOMONLAR:**

| | |
|---|---|
| **Bajaruvchi:** | **(davlat organi yoki takshlotining lavozimi)** |
| (F.I.O.) | (F.I.O.) |
| (imzo)____________ | (imzo)____________ |